

Бу воқеа жанубий Испаниянинг тоғли депараларидан бирида рўй берди.

Июнь ойининг сўлим окшоми эди, ойдин кеча, тўлин ой осмон пештокида осилиб турарди, одатан, кундузи жала кўйиб ўтган бўлса, димиккан кечалари ой нафармон нур таратади, бинафша гуллаётган кезларда бу хол табиий хисобланади, пастак жануб ўрмонлари билан копланган ясси тоғларнинг довлари сутдай оқариб кўзга яққол ташланиб турарди, довлон уфқка бош кўйган.

Довлар орасига жойлашган энсиз водий шимол томонга чўзилиб кетган. Водийнинг бир тарафига довлоннинг кўланкаси тушиб турар, мазор сукунати ҳукм сураётган бу окшомда тоғ жилгаси бир маромда жилдирар, гоҳ сафсар маъдан, гоҳ ёқут, гоҳ тиллакўнгиз сирли шуъла сочар, оламни нурга тўлдираётган мўъжиза кўзни камаштирарди. Карши тарафдаги адирлар водийдан чекиниб, ўрнини паст текисликларга бўшатиб берган, текислик бўйлаб эски тош йўл ўтган. Шу пастликда жойлашган тошкўргон ҳам ниҳоятда кўхна кўринарди. Бемахалда тошкўргонга олдинги ўнг оёғи оқсаётган тўрик айгир отини кичамасдан миниб келаётган марокашлик бир киши ташриф буюрди. У баланд бўйли, оқ жундан тўкилган кенг-мўл яқтак кийиб, бошига попукли хожидўппи кўндириб олган эди.

Тошкўргон одам зоти кирилиб кетгандек хувиллаб ётарди, ўз холига ташлаб кўйилганга ўхшарди. Аслида ҳам шундай эди. Марокашлик киши дастлаб серсоя кўча бўйлаб, тош-девор уйлар оралаб ўтди; уйларнинг деразалари ўрнида бўшлик қорайиб кўринарди, томоркадаги боғлар ёввойилашиб кетган эди. Кейин у ойдин майдонга чиқди; бу ерда устига шийпонча килинган ховуз, пештокига Мадоннанинг зангори хайкалчаси ўрнатилган черков, ҳамон одамлар истикомат килаётган бир нечта ховли бор эди. Олдинда эса, майдонга кираверишда карвонсарой жойлашган. Пастки каватдаги деразалардан гира-шира нур тараларди. Эгар устида мудраб келаётган марокашлик бирдан хушёр тортиб, жиловни силтади, оқсаб келаётган от ўнқир-чўнқир тош тўшалган майдон бўйлаб жадал юриб кетди, туёк товушлари тун кўйнидан акс садо берарди. Туёк товушини эшитиб карвонсарой бўсагасига кичрайиб, қок суяк бўлиб қолган кампир чиқди, дафъатан уни тиланчига ўхшатиш мумкин эди. Сўнг кулча юзли, ўн беш ёшлар чамасидаги кизалок остонада пайдо бўлди; унинг жамалаги пешонасига тушиб турар, яланг оёқларига шиппакча илиб олган, эгнида оқиш печакгул тусидаги енгил куйлак. Бўсагага бошини кўйиб ётган эшакдек қоп-ўора ит ҳам ўрнидан турди, унинг жунлари сип-силлик бўлиб, кесилган кулоклари динг бўлиб турарди. Марокашлик киши остонага етар-етмас одан тушди. Ит шу захоти кўзларини чакнатиб, тишларини хунук иржайтириб олган ташланди. Марокашлик камчиси билан итни хайдашга уринди. Кизалок дархол итга танбех берди:

- Негра! – деб қичқирди жарангдор товушда. – Сенга нима бўлди?!

Ит бошини эгиб аста-секин орқасига қайтди, тумшугини деворга қадаб ётди.

Марокашлик киши испан тилини бузиб гапирарди, салом-алиқдан қилди, сўнг шаҳарда темирчи борми деб сўради, эртага отни такалатиш керак экан. Отни кечаси қаерда қолдириш мумкин? Отга ет топиладими? Ўзига ҳам овқат берилса, чакки бўлмасди. Кизалок унинг баланд бўйига, чечак излари қолган чўтир юзларига кизиксиниб қаради. Кўноқ итга хавотирланиб назар ташлаб кўйди, ит жимгина ётибди, худди хафа бўлиб қолганга ўхшарди, қулоғи хийла оғир кампир эса товушини қўтариб шоша-пиша жавоб қайтарди: темирчи бор, хизматқор уй ёнидаги молхонада ухлаб ётибди, кампир уни

хозир уйготади, у отга ем беради. Овкат масаласида хам меҳмоннинг кўнгли тўк бўлсин: тухум куймок тайёрлаб бериш мумкин, лекин кечки овкатдан факат оз-моз ловия бўтка билан сабзаёт ковордок колган, улар иситиб берилади... Доим ширакайф бўлиб юрадиган хизматкор чол меҳмоннинг отига ем бериб, эгар-жабдугини ечиб олишда ёрдамлашди.

Ярим соатдан сунг марокашлик киши ошхонада зўр иштаха билан овкатланиб, саргимтир ок мусалласни ютокиб ичиб ўтирарди...

Карвонсарой кўхна эди. Пастки кават узун-узун дахлизлардан иборат бўлиб, йўлак охирида юкори каватга чикиладиган айланма зинапоя бор. Юкори кават иккига бўлинган: чап томонда кенг-мўл, лекин шифти пастак хоналар, хоналарга камбагал кўноклар тунаши учун сўричалар кўйилган; ўнг томонда хам пастак шифтли ошхона, шифтларию деворлари куюк тутундан касмок бўлиб кетган емакхона, деворлари хийла калин бўлгани боис токчадан ичкарига ўрнатилган кичик деразалар, бурчакда ўчок, устига хеч нарса ёпилмаган стол, ёнида ўтиргичлар, ерга гадир-будур тошдан тўшама килинган, у силлик-сирпанчик бўлиб кетган. Бу хонада керосин лампа милтиллаб турарди, у коп-корайиб кетган темир занжирга осиб кўйилган, хонага ачимсик тутун ва пиездог хиди ўтириб колган. Кампир ўчокка ўт ёкиб совуб колган ковордокни иситди, меҳмон сирка ва зайтун мойи аралаштирилган совук ловия бўткани еб бўлгунча тухум куймок кам тайёр бўлди. У ечинмади, яктагини хам ечмади, хотини кериб талтайиб ўтирарди, оёқларида калин теридан тикилган бошмок бор эди, ок жундан тўкилган кенг-мўл иштонининг пойчаси бурмали бўлиб, тўпигини кишиб турарди. Кизалок кампирга кўмаклашар, меҳмон иш буюрса сўзсиз бажо келтирар, лекин кутилмаганда еб кўйгудек ўкрайиб карашларидан, курукшаган чўтир башарасию юпка лабларидан, кўкимтир мўйловидан кўркар эди. Кўнок шундок хам кўркинчли кўринарди. Бўйи жуда баланд, кенг яктакда яна-да вахимали кўринади, попукли хождўппи кийиб олган боши хумдек. Устки лабининг четларида дагал шоп мўйловининг учлари жингалак бўлиб буралиб колган. Соколинининг орасида кам яккам-дуккам жингала тола учрарди. Бошини хиёл оркага ташлаб кеккайиб ўтиргани боис кўнгир тери остида ўйнаб турган кекирдак олмаси – букоччаси одатдагидан йирикрок кўринарди. Корайиб кетган ингичка бармоқларида кумуш узуклар товланиб турарди. У мик этмасдан еб-ичиб ўтирибди.

Кампир ковордокни иситиб, куймок пишириб бўлгач, гулхани сўна бошлаган ўчок ёнига холсизгина чўкди ва ундан каёкдан каёкка кетяпсан деб сўради бакириб. Меҳмон бўгик товушда:

- Узокка, - деб гапни киска килди.

Ковордок билан куймокни пок-покиза туширгач, бўшаб колган кўзани чайкаб кўрсатди: ковордокка аччик калампир кўп кўшилган экан, огзини куйдириб юборибди. Кампир боши билан кизалокка ишора килди, кизалок кўзани олиб емакхонанинг кия очик эшигидан чикиб, тим коронги дахлиз томон йўл олди – дахлизда тиллакўнгизлар худди эртақлардагидек учкун сачратиб бир маромда парвоз этар, ажабтовур нур таратар эди. Кўнок кўйнидан папирос чикариб тутатди, кизалок кетган томонга им кокиб:

- Неvaraми? – деб сўради.

- Жияним, етимча, - деб жавоб берди кампир кичкириб. Сўнг эзмаланиб хикоя килишга тушди: у мархум акасини, яъни кизалокнинг отасини жуда яхши кўрар, акасини деб карикиз бўлиб ўтириб колган, мана шу карвонсарой акасининг хусусий мулки хисобланар, акасининг хотини бундан ўн икки йил мукаддам бандаликни бажо

келтирган, ўзи ўн саккиз йил бурун ўлган, мол-мулкани бир умр фойдаланиш учун кампирга васият қилиб қолдирган, хувиллаб ётган кўргончада яшаш ниҳоятда огирлашиб кетган экан...

Марокашлик киши кампирнинг дийдиёсини паришонхотирлик билан тинглади, унчалик эътибор бермади, у ўзининг ўй-хаёллари билан банд эди. Кизалок кўзани мусалласга тўлдириб қайтиб келди. Кўнок унга кўзларини лўк қилиб тикилганча папирос қолдигини шу қадар жаҳд билан ютоқиб тортдики, оқибатда қирлаб кетган бармоқларининг учини қуйдириб олди. Сўнг янги папиросини шоша-пиша ўт олдириб, товушини кўтариб кампирга – у кампирнинг қулоғи огир эканини аллақачон сезган эди – мурожаат қилди:

- Агар жиянинг мусалласни ўз қўли билан қуйиб берса, бағоят мамнун бўлардим.

- Бу унинг иши эмас, - деди кампир чўрт кесиб. Сўнг зардали оҳангда қичқирди: - Кеч бўлди, мусалласни ичиб, бориб ухлагин. Хозир жияним сенга юқори хонага ўрин тўшаб беради.

Кизалок кўзларини чакнатиб дик этиб ўрнидан турди, кампирни ортиқча жавратиб ўтирмасдан тап-тап қадам ташлаб зинапоя бўйлаб юқorigа кўтарилди.

- Ўзларинг қаерда ухлайсизлар? – деб марокашлик хождидўпписини терлаб кетган пешонасидан бир оз суриб қуйди. – Юқорида ётасизларми?

Кампир қичқириб гап бошлади: ёзда юқори қават жуда иссик бўлади, ижарачилар бўлмаган чоғларда – энди деярли келмай қўйди - улар пастки қаватнинг нариги бўлмасида, карама-қарши томонда, хув анави хонада ётадилар. У қўли билан ўзлари ётадиган хонани кўрсатиб, сўнг яна ишлар чаппасига кетганидан шикоят қилишга тушди, ҳамма нарса қиммат бўлиб кетди, шу боис, иста-истама йўловчилардан ҳам қимматроқ ҳақ олишга тугри келади...

- Мен эртага вақтли кетаман, - деди марокашлик кампирнинг гапларига эътибор бермай. – Эрталаб фақат қахва берсанг бас. Демак, хозирок ҳисоб-қитоб қилиб қўйишимиз мумкин. Хўш, қанча бўлди? Хозир тўлайман. Йў-ўқ, аввал майда пулларимни топай-чи, деб у яқтагининг ички чўнтагидан юмшоқ қизил теридан тикилган ҳамёнини чиқарди, боғичини бўшатиб оғзини очди, стол устига бир ховуч тилло тангаларни жаранглатиб тўқди. Гўё пулларини синчиклаб санаётгандек пешонасини тириштирди, кампир эса ўчоқ ёнида ўтирган ўриндигидан туриб, кўзларини ола-қула қилиб тилло тангаларга тикилди.

Юқори қават қоронғи, жуда иссик эди. Кизалок чўмилиш хонасининг эшигини очиб қўйди. Қоронғилиқдан иссик ҳаво гуп этиб юзига урилди, дарча тирқишларидан ярқ этган нур кўринди, бу хонага ҳам худди пастдаги қаби қичқирок иккита дераза ўрнатилган эди. У хона ўртасидаги юмалок столи чаккон айланиб ўтиб деразани очди, дарча эшикчаларини итариб ташқарига очди. Ойдин кеча, бепоён осмон оқаришиб, яқкам-дуккам юлдузлар кўзга ташланарди. Нафас олиш хийла енгиллашди, водийдан жилга жилдираши эшитиларди. Кизалок тўлин ойни томоша қилиш учун деразадан бошини чиқарди, ой ҳамон тепада бўлгани боис хонадан кўринмасди. Сўнг кизалок пастга қаради: ерда турган ит тумшугини кўтариб унга қаради. Бундан беш йилча олдин битта дайди қучуқ қайлардан дир адашиб қарвонсаройга келиб қолади, у кизалокнинг кўз ўнгида қатта бўлади, кизалокка ўрганади, у эгасига шу қадар садокатли эдики, бундай садокатни фақат итлардан қутиш мумкин. Зотан, ит вафодор бўлади.

- Негра, нима учун ухламаяпсан? – деди кизалок товушини пасайтириб.

Ит беозоргина гингиб, бошини бир силқитди-да дахлизнинг очик эшиги томон ташланди.

- Кайт, кайт! – деб буюрди кизалок шошиб. – Жойингга бор!

Ит такка тўхтади, тумшугини кўтариб кизга каради, кўзларидан учкун сачрарди.

- Сенга нима керак ўзи? – деб сўради кизалок эркаловчи товушда. У доим ит билан худди одамдек гаплашарди. – Нега ухламаяпсан, эсипаст? Ё осмондаги ой хаёлингни олиб кочдимми?

Ит бир нима деб жавоб бермокчи бўлгандек яна тумшугини юкори кўтарди, беозоргина гингшиб кўйди. Кизалок елкаларини кисди. Бу ит унинг сирдоши, ёруг оламдаги бирдан-бир жонли сирдоши эди. Итнинг хис-туйгулари, ўй-хаёллари доимо кизалокка тушунарли бўларди. Лекин хозир ит нима демокчи, у нимадан хавотирланяпти – буни кизалок яхши англамади, шу боис кўлини арра-арра килиб, ёлгондакам жахли чиккандек:

- Негра, жойингга бор! Ухла! – деб шивирлади.

Ит жойига бориб ётди. Кизалок дераза ёнида яна бирпас ўйланиб турди. Балки, итни анави марокашлик таскара хавотирга солгандир? Ит карвонсарой кўнокларига деярли эътибор бермасди, хатто кўринишидан карокчи ёки дордан кочган каззобга ўхшаган кимсаларга кайрилиб ҳам карамасди. Лекин баъзан айрим кимсаларга нима учундир худди кутургандек ташланиб коларди, момогулдуракдек вовуллаб оёқдан оларди. Бундай пайтларда кизалоккича итни ховуридан тушириб, кайтариб коларди. Хозир итни безовта килаётган нарса бошка бўлиши мумкин: димиккан кеча, хавода килт этган шабада йўк, осмонда тўлин ой чараклаб нур таратяпти – бундай холат хар кандай тирик жонни куюшкондан чиқариб юборади. Бу окшом хукм сураётган гайритабий сукунат огушида водий тарафдан жилганинг жилдираши, молхонада дуп-дуп ер тепиб, шаталок отиб юрган эчкининг туёк товушлари баралла эшитилиб турарди. Кўккис қари хачирми ёки марокашлик кўнокнинг айгир отими гурс этказиб эчкини тепиб юборди, эчки жонхолатда шу қадар хунук маъраб юбордики, кулокни тешиб юборадиган ўткир товуш узок-узокларга таралиб кетди. Кизалок сапчиб ўзини деразадан ичкарига олди, нариги деразани ҳам очиб, дарча эшикчасини итариб юборди. Хона гира-шира ёришиб колди. Хонада столдан ташқари, эшикдан кираверишдан унг томонда учта кенг каравот бор – бош тарафи деворга тираб, устига дагал чойшаб ташлаб кўйилган. Кизалок чойшабларни йигиштириб кираверишдаги биринчи каравотга ташлади, ёстик тўшаб, кўрпача ёзди. Шу пайт хона эртақлардаги мўъжиза маскани каби ёришиб, майин кўкимтир шуълага чулганди – тиллакўнгиз кизалокнинг гажагига кўнган эди. Кизалок уни астагина силади, тиллакўнгиз гох ялтираб, гох хира тортиб хона бўйлаб парвоз эта бошлади. Кизалок димогида хиргойи килганча сакраб-сакраб пастга тушиб кетди.

Емакхонада марокашлик киши эшикка орка ўгириб гўдайиб турар, паст, лекин катъий охангда, асабийлашиб кампирга бир нималар деяётган эди. Кампир бошини чайкаб рад маъносини билдирарди. Марокашлик елкаларини учириб кўйди, хонага кириб келган кизалокка шундай ўкрайиб карадики, шўрлик жонхолатда ўзини оркага ташлади.

- Жой тайёр бўлдими? – деди у бўгик товушда.

- Хаммаси тайёр, - деди кизалок шошиб.

- Тепага кандай чиқишни билмайман, мени кузатиб кўясан.

- Сени ўзим кузатиб кўяман, - деди кампир даргазаб бўлиб. – Оркамдан юр!

Кампир айланма зинапоядан инкиллаб-синкиллаб юкорига кўтарилди бошлади, марокашлик эса бошмоқларини тап-тап этказиб унга эргашди. Кизалок бирпас туриб ташқарига чикди. Остонада ётган ит сакраб турди, атрофида чир-чир айланди, думини ликиллаб кувончини изхор этди, сўнг эгасининг юзларини ялади.

- Наридур, нарикет! – деб шивирлади кизалок ва эркалаб итни итариб юборди, остонага ўтирди.

Ит ҳам орка оёқларига чўнкайиб ўтирди, кизалок унинг бўйнидан кучоклаб олди, пешонасидан ўпди, ўтирган кўйи ит билан бирга тебрана бошлади. Юкори каватдан марокашлик кўнокнинг огир кадам товушлари, бўгик овози эшитилиб турарди. У хотиржамлик билан кампирга бир нималар дерди, лекин нима деяётганини аник-тиник англаб бўлмасди. Нихоят, у товушини кўтариб:

- Бўпти, бўпти! Факат айтгин, кечкурун ичиб ётишим учун сув келтириб берсин, - деди. Зинапоядан эхтиёт бўлиб тушаётган кампирнинг кадам товушлари эшитила бошлади.

Кизалок дахлизга кириб кампирнинг йўлини тўсди ва:

- Мен унинг нима деганини эшитдим. Йўк, ўлсам ҳам олдига ёлгиз чикмайман. Ундан кўркаман, - деди катъиян.

- Бемаъни гапларни кўй, - деб кичкирди кампир. – Сен ўйлайсанки, мен яна-тагин мана шу маймоқ оёқларимни судраб тепага чикиб тушаманми? Ёругрок бўлса ҳам кошкийди. Зинапоянинг сирпанчиклигини айтмайсанми?! Унинг нимасидан кўркасан?! Тугри, у каллаварам, аччиги бурнининг учида турар экан, лекин ёмон одам эмас. У сен хакинда куйиб-пишиб гапирди, сенга раҳми келяпти, эх, шўрлик, сепи бўлмаса, ким ҳам уни келин киларди деяпти. Тўгри айтяпти, сенда сеп нима килсин! Биз аллақачон хонавайрон бўлганмиз. Анави безот диктаторга минг раҳмат, ҳеч бўлмаса, тинчликни саклаб турибди. Аслини олганда, бундай тинчлик бўлганидан кўра кир-пичок уруш бўлгани афзал эди, ўшанда ебтўймас, хушомадгўй, олчок амалдорлардан бирийўла кутулардик... Бечора дехконларни куряпсанми, курук устихон булиб колган. Карвонсаройга ҳам гадойнусха каланги-касангилардан бошка ҳеч ким келмай кўйди...

- Боя мен кирган пайтда нима учун аччигланиб турган эди? – деб сўради кизалок. Кампир каловланиб колди.

- Нима учун эмиш! – деб гулдирди кампир. – Мен унга бировнинг ишига бурнингни тикмагин дедим... Шундан кейин жаҳли чикиб кетди... Кани, ивирсима, дархол унга сув элтиб бер! – деди кампир зардаси кайнаб. – Сув элтиб берсанг у сенга бир нима совга килади. Ваъдаси шундай. Бор деяпман!

Кизалок кўзани тўлдириб юкори каватгадаги хонага сув олиб чикди. Марокашлик кўнок уст-бошларини ечиб каравотда алчайиб ётарди: ой ёругида унинг митти кўзлари ялтирар, сочлари тап-такир этиб олинган боши қорайиб, узун ички оқ кўйлаги оқаришиб кўринар эди. Сўлакмондай ялангоч оёқларини ўйнатиб кўярди. Кувури узун, барабанли тўппонча хона ўртасидаги столда ялтираб турарди. Устки кийим-бошларини ёнидаги каравотга уюб кўйибди... Буларнинг хаммаси ниҳоятда ваҳимали кўринарди. Кизалок югуриб бориб кўзани так этказиб столга кўйдию зингиллаб оркасига кайтди, лекин марокашлик кўнок сакраб турди-да кизалокнинг кўлидан ушлаб олди.

- Шошма, шошма, - деди у кизалокни каравот томон тортиб. Уни кўйиб юбормасдан каравотга ўтирди, сўнг: - Бир дакика ёнимда ўтир, ўтир деяпман, ўтирсанг-чи... Гап бундай, яхшилаб кулок сол... – деб шивирлай бошлади.

Капалаги учи кетган кизалок итоатгуйлик билан унинг ёнига ўтирди. У энтикиб-энтикиб изхори дил кила бошлади: худо ҳақки, сени кўрдиму эс-хушим бошимдан учди, бир кўришдаёқ севиб колдим, ёлгон гапираётган бўлсам, ана, тепамда худо турибди, бир ўпич учун ўн тилло, йигирма, бор-э ўттиз тилло бераман, бир халта тилло тангам бор... кейин...

Ёстикнинг остидан кизил хамёнини олиб, кўллари калтираб унинг богичини бўшатди,

тилло тангаларни тўшакка тўкиб ташлади.

- Мана, кўрдингми, тиллоларим кўпмикан?.. Кўрдингми?.. – деб гулдиради.

Кизалок шахд билан бош чайкади, каравотдан сапчиб турди. Лекин кўнок уни дархол тутиб олди, курукшаган, чапдаст кўли билан огзини ёпиб каравотга ётқизди. Кизалок жонхолатда типирчилаб унинг кўлини огзидан юлкиб ташладию:

- Негра! – деб чинкириб юборди.

Энди у кизалокнинг огзини бурнига кўшиб махкам сиқиб, бўш кўли билан типирчилаётган оёгини ушлашга ҳаракат қилди; кизалок эса шаталок отиб унинг корнига аёвсиз тепа бошлади. Шу пайт зинапоядан учиб чиқаётган итнинг ириллаши кулокка чалинди.

Марокашлик кўнок сакраб ўрнидан турдию столда ётган тўппончасини кўлига олди, бироқ тепкини топишга ҳам улгурмасдан полга кулади – ит унга ташланиб, устидан босиб тушди. Устига миниб олган ит хамласидан юзини тўсиб ётган жойида иргишлар, итнинг иссиқ нафаси юзига урилган чоғда баттар тўлғонар, типирчилар, ох-воҳ килар эди, лекин беихтиёр бошини оркага ташлаб, иягини кўтарган захоти ит унинг томогидан гарч этказиб тишладию кекиртагини юлиб олди, халкумидан тизиллаб кон отилиб кетди.

1949, 23 март

*Олима Набизода таржимаси*